

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020. Qx.13.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ**

**НУРМАТОВ НОРҚОБИЛ ЖЎРАЕВИЧ**

**ЭРТАПИШАРЛИККА, АДАПТИВ ҚОБИЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН  
ПОМИДОРНИ (*L. esculentum* Mill.) ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА  
СЕЛЕКЦИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик  
06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Нурматов Норқобил Жўраевич**

Эртапишарликка, адаптив қобилиятга йўналтирилган помидорни (*L. esculentum* Mill.) етиштириш технологияси ва селекциясининг илмий асослари..... 3

**Нурматов Норқобил Жўраевич**

Технология возделывания и научные основы селекции томата (*L. esculentum* Mill.) направленного на скороспелость адаптивную способность 28

**Nurmatov Norqobil Jurayevich**

Growing technology and scientific fundamentals of selection of tomatoes (*L. esculentum* mill.) aimed at early maturing and adaptive ability ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020. Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТЕРМИЗ  
ФИЛИАЛИ**

**НУРМАТОВ НОРҚОБИЛ ЖЎРАЕВИЧ  
ЭРТАПИШАРЛИККА, АДАПТИВ ҚОБИЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН  
ПОМИДОРНИ (*L. esculentum* Mill.) ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА  
СЕЛЕКЦИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик  
06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Qx127 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълимпорталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арамов Музаффар Хошимович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Асатов Шуҳрат Исмаатович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Санаев Собир Тоирович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

**Мерганов Авазхон Турғунович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти**


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 3 декабрь соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс:(+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542116-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй.Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси.Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «25» ноябр куни тарқатилди.  
(2020 йил «18» ноябрдаги 3/3 рақамли реестр баённомаси).



 **Х.Ч.Буриев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

 **З.А.Абдикаюмов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д., доцент.

 **И.Т.Нормуродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда помидор етакчи сабзавот экинларидан бири сифатида қарийб 4,785 млн. га майдонда етиштирилмоқда, ўртача ҳосилдорлиги 37,0 т/га ни ва ялпи ҳосил 177 млн. тоннани ташкил этмоқда. Энг кўп помидор етиштирувчи Хитой (56,3 млн. тонна), Ҳиндистон (18,3 млн. тонна), АҚШ (13,0 млн. тонна), Туркия (12,6 млн. тонна), Миср (7,9 млн. тона), Италия (6,4 млн. тонна), Эрон (6,3 млн. тонна), Испания (4,6 млн. тонна), Бразилия (4,1 млн. тонна) ва Мексика (4,04 млн. тонна) каби мамлакатларда помидорнинг, асосан, гетерозис дурагайларидан фойдаланилади. Помидор етиштиришда, ҳоҳ химояланган ерда бўлсин, ҳоҳ очик майдонда, гетерозис дурагайлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда помидор асосий сабзавот экини ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотига кўра 2017 йил республикада 128,3 минг га майдонда помидор етиштирилган ва олинган умумий ҳосил миқдори 2,9 млн тоннани ташкил қилган.

Дунё бўйича помидор селекцияси бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларда эртапишар, мухитнинг стресс омилларига чидамли, касалликларга бардошли ва серҳосил гетерозис дурагайларини олиш учун бошланғич манбалар, чатиштириш усуллари ва тамойиллари ишлаб чиқилган. Бироқ ҳар йили янгидан-янги касаллик штаммларининг аниқланиши, мавсумдан ташқари вақтларда етиштириш учун ультратезпишар навларга бўлган талабнинг ортиб бориши, куруқ ва жазирама иссиқ ҳудудларга помидор уруғлари етказиб бериш зарурати унинг янада чидамли, адаптив қобилиятга эга гетерозис дурагайларини яратишни тақозо этмоқда. Шу боис, эртапишарлик, адаптив қобилиятга йўналтирилган селекция тамойилларини ишлаб чиқиш халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ассортименти ва экспорт салоҳиятини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга бағишланган 3.3-бандида ҳам “...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” масалалари алоҳида белгилаб кўйилган<sup>1</sup>. Бироқ Сурхондарё вилоятининг куруқ ва жазирама иссиқ иқлими помидор етиштиришда муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Шу боис куруқ субтропик шароити учун эртапишарликка ва адаптив қобилиятга йўналтирилган помидор селекциясининг илмий асосларини яратиш ушбу ҳудудда помидор етиштириш билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги (ПФ-4947-сон) “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 11 декабрдаги (ПҚ-4549-сон) “*Мева-сабзавотчилик* ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдагидаги 282-сон “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкни яратиш тўғрисида”ги қарор ва фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Ҳозирги вақтда дунёнинг қарийб 28 коллекциясида 32 мингдан ортиқ помидор намуналари мавжуд. Уларнинг энг йириклари Бутунроссия ўсимликшунослик ИТИ (Санкт-Петербург, Россия), Жаҳон сабзавотчилик маркази (AVRDC, Тайван), USDA (АҚШ); Калифорния университетидаги доктор Рикнинг TGSS коллекцияси (АҚШ) жуда ноёб бўлиб, унда 600 дан ортиқ ёввойи турлар ва 600 дан ортиқ маданий турлар генетик материаллари (мутантлар, маркерлар ва б.) намуналари сақланмоқда. Помидор кенг тарқалган ва асосий сабзавот экини сифатида унинг селекцияси, генетикаси ва уруғчилиги бўйича чуқур илмий тадқиқотлар Голландиянинг Вагенинген университети, Испаниянинг Барселона университети, АҚШнинг Ратгерс, Мичиган, Вашингтон университетлари ва уларнинг кўплаб тажриба станцияларида Бутунжаҳон сабзавотчилик маркази (AVRDC, Тайван), Хитойнинг сабзавотчилик илмий маркази, Россия Федерациясининг Бутунроссия сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги ИТИ (ВНИИССОК), Бутунроссия ўсимликшунослик ИТИ (ВНИИР), Бутунроссия сабзавот экинлари ИТИ (ВНИИО), Ҳимояланган тупроқлар сабзавотчилиги (НИИОЗГ), Молдавия Республикасининг Сабзавотчилик селекцион-технологик ИТИ (МНИСТИО), Украинанинг Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик ИТИ (УкрНИИОБКиК), Қозоғистоннинг Картошкачилик ва сабзавотчилик ИТИ (ҚазНИИКиО) ва бошқа илмий муассасаларда олиб борилмоқда.

Помидорнинг селекцияси, уруғчилиги, генетикаси бўйича фундаментал ишлар А.В.Алпатьев, Д.Д.Брежнев, А.Д.Жученко, О.Н.Пышная, С.И.Гавриш, В.А.Кравченко, И.Ю.Кондратьева, Н.Н.Балашова, М.И.Мамедов, Ш.Г.Бексеев, Н.Н.Загинайло каби таниқли олимлар томонидан бажарилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда юқори таъм сифатига эга помидор навларини етиштиришга талаб ўсиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда помидор нав ҳамда гетерозисли дурагайлари етиштириш технологияси ва селекциясини илмий базасини такомиллаштириш заруратини белгилайди. Бундай навларни яратиш учун мамлакатимизда мавжуд ҳамда хорижий помидор нав намуналарини баҳолаш бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш, улар орасидан селекция учун дастлабки материал сифатида эртапишарлик ва адаптив қобилияти юқори бўлган  $F_1$  дурагайлари етиштириш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бошқа худудларда ишлаб чиқилган помидорни етиштириш технологияларини Ўзбекистоннинг жазирама курук иқлими шароитларига механик тарзда кўчириб бўлмайди. Бу ерда маҳаллий шароитларга мослашган навлар яратилиши ва экилиши ҳамда тупроқ ва иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда етиштириш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда помидор селекцияси бўйича олиб борилган ишлар натижасида помидорнинг очик дала учун мамлакатимизда яратилган 20 та нави ва битта F<sub>1</sub> дурагайи Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг асосий муаллифлари Е.В.Ермолова ва М.Х.Арамовлардир. Помидор селекцияси йўналишлари ва услублари ушбу олимларнинг кўплаб илмий мақолаларида ҳамда В.Ф.Пивоваров ва М.Х.Арамовларнинг «Экологическая селекция томата» (1996) монографиясида ёритилган.

Ўзбекистонда помидор етиштиришнинг прогрессив технологияларини ишлаб чиқиш, кўчатдан етиштириладиган помидорга ўстириш моддаларини қўллаш, помидор уруғларининг матрикал ва экологик турли сифатлилиги бўйича кенг қамровли тажрибалар Б.Д.Азимов, С.И. Дусмуратова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган. Помидор мевалари ва уруғларини кўчат усулида етиштириш технологияларининг айрим элементлари бўйича ишлаб чиқариш тажрибалари ва бошқа худудлар маълумотларини умумлаштириш асосида тавсиялар берилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти қуйидаги лойиҳаларнинг бажарилишида ўз аксини топган: А-11-077 “Сабзавот, полиз экинларини юқори маҳсулдор, истеъмол ва товар сифати яхши, касалликларга чидамли нав ҳамда F<sub>1</sub> гетерозис дурагайлари селекцияси ва уларнинг уруғчилиги” (2006 – 2008 йй.);

КХА-8-035 “Ўзбекистон жанубида сабзавот экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли юқори ҳосилли нав ва биринчи авлод дурагайлари яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш” (2012 – 2014 йй.);

КХА-8-029-2015 “Сабзавот экинларининг касаллик, зараркунандаларга, иссиққа чидамли, юқори ҳосилли янги нав ва дурагайлари яратиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш” (2015 – 2017йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** жаҳон коллекцияси намуналаридан фойдаланган ҳолда республиканинг жанубий минтақалари тупроқ-иқлим шароитларига мос помидорни етиштириш технологиясини такомиллаштириш, эртапишар нав ва дурагайлари яратиш, қимматли хўжалик белгиларнинг мавсумий ўзгарувчанлигини аниқлаш, адаптив қобилиятга йўналтирилган помидор селекциясида муҳитнинг ролини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эртапишар помидор нав намуналарини етиштириш технологиясини такомиллаштириш мақсадида муҳит сифатида Ўзбекистоннинг жанубий шароитини баҳолаш;

помидорнинг эртапишар нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манбаа ажратиш ва уни баҳолаш;

эртапишарликка ва адаптив қобилятга йўналтирилган помидор селекциясида экологик омиллардан фойдаланиш;

эртапишарликка ва адаптив қобилятга йўналтирилган помидорни етиштириш ва селекциясида мухитнинг ролини баҳолаш;

помидорнинг истиқболли эртапишар нав намуналарини етиштириш ва дастлабки танлов синовларини ўтказиш;

эртапишар помидор селекциясида гетерозисдан фойдаланиш ва  $F_1$  дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш;

истиқболли эртапишар нав ва дурагайларнинг адаптивлик хусусияти ва параметрларини аниқлаш;

биринчи авлод дурагайларида адаптивлик қобилятининг намоён бўлишини ўрганиш;

муҳим хўжалик белгиларнинг мавсумий ўзгарувчанлигини ўрганиш ва уларни селекция жараёнида қўллаш;

истиқболли эртапишар дурагай комбинацияларни яратиш, баҳолаш ва ажратиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида помидорнинг *L. esculentum* Mill. турига мансуб бўлган 110 та коллекцион намуналар ва 59 та  $F_1$  дурагайлари, тизмалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** помидорнинг *L. esculentum* Mill. турига мансуб маҳаллий ва хорижий нав намуналарини ўрганиш, селекция учун бошланғич манба яратиш, муҳим хўжалик- белгиларни ўзида мужассамлаштирган нав ва дурагайлар яратиш, биринчи авлод дурагайларида қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дурагай белгиларининг доминантлик даражаси Дж.Брюбейкер (1966) формуласи бўйича, гетерозиснинг самарадорлигини аниқлаш А.В.Алпатьев (1981) бўйича, генотипларнинг адаптив қобилятини ва экологик барқарорлигини баҳолашда мухитнинг ролини А.В.Килчевский ва Л.В.Хотылева (1895) услублари бўйича аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан G.E.P.Vox томонидан нашр этилган “Statistics for experimenters: an introduction to design, data analysis and model building” услубий адабиёти ва Б.А.Доспехов (1985) томонидан тавсия этилган услуб бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор қуруқ субтропик шароитда помидорнинг эртапишар нав ва дурагайларини етиштириш технологияси ва селекцияси учун бошланғич манбаа ажратилган ва баҳоланган;

биринчи авлод дурагайларида қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва доминантлик даражаси ўрганилган;

эртапишарликка йўналтирилган помидор селекциясида гетерозис ходисасидан фойдаланишнинг самарадорлиги исботланган;

эртапишарликка ва адаптив қобилятга йўналтирилган помидорни етиштириш ва селекциясида Ўзбекистон жанубий мухитининг роли илмий асосланган;

помидор нав намуналарининг адаптив қобилияти ва экологик софлиги, барқарорлиги ўрганилган, юқори адаптив қобилиятга эга помидор нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба ажратилган;

муҳим хўжалик белгиларнинг мавсумий ўзгарувчанлиги аниқланган ва уларни селекция жараёнида қўллаш бўйича тавсиялар берилган;

эртапишарликка ва адаптив қобилиятга йўналтирилган помидорни етиштириш ва селекциясида экологик омиллардан фойдаланиш самарадорлиги исботланган;

адаптив қобилиятга йўналтирилган помидор селекциясида муҳитнинг роли ва помидорнинг истиқболли эртапишар нав ва  $F_1$  дурагайлариининг мослашувчанлик хусусияти ва параметрлари илмий асосланган;

индивидуал танлов ва комплекс баҳолаш йўли билан помидорнинг тезпишар ва адаптив қобилияти юқори бўлган Л-1-99, Л-2-99, Л-3-99, Л-4-99 тизмалари олинган;

помидорнинг транспортбоп эртапишар, серхосил, нав ва биринчи авлод ( $F_1$ ) дурагайлари яратилган ва Давлат реестрига киритилган;

помидорнинг эртапишар серхосил “Шафак” ва “Севара” навлари яратилган ва Давлат реестрига киритилган ва етиштириш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Помидорнинг эртапишар навларини яратиш мақсадида қуйидаги нав намуналари бошланғич манба сифатида ажратилган: Лекция ВИР-173, “Tidling Bush”, “Santa”, “Alfa”, “Север”, “Невский”, “Gem state”, Ион-Н, “Отрадный”, “Ямал”, “Невский”, Алпатьева 905<sup>а</sup>, № 86.

Қимматли хўжалик белгиларига асосан қуйидаги нав намуналари бошланғич манба сифатида ажратилган помидорнинг оддий тур хилидан: “Elan”, “Pladon”, “Северянин”, “Ляна”, “Сибирский скороспелый”, “Барнаульский консервный”, “Агата”, “Атма”, “Bodeg Cut”; штамбсимон тур хилидан: № 86, Алпатьева 905<sup>а</sup>, “Фонарик”.

Л-1-99, Л-2-99, Л-3-99, Л-4-99 тизмаларининг стандарт нав – Талалихин 186 га нисбатан тезпишарлиги, мева шаклининг думалоқлиги, рангининг тўқ қизиллиги ва умумий хамда эртаги ҳосилдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туриши аниқланган.

Ўрганилган помидор коллекциясидан тезпишарликка мойилдор бўлган қуйидаги тизимлар: Л-1-99, Л-2-99, Л-3,99, Л-4-99 ва Л-5-99 намуналари селекция жараёни учун истиқболли деб топилган.

Помидорнинг қуйидаги юқори гетерозис самарасига эга бўлган  $F_1$  дурагайлари ишлаб чиқариш синовига топширилган: Ион-Н х “Персей”, ВИР-100 х “Персей”, “Новичок” х “Персей”, “Дар Заволжья” х “Слава Молдовы”, Грунтовый Грибовский 1180 х “Ляна”, “Ляна2 х Ион-Н.

Эртапишарлик ва транспортбоплик йўналишида умумий ва эртаги ҳосилдорлиги ва шунга мувофиқ гетерозис самараси юқори бўлган  $F_1$  Дўстлик х ТМК 22,  $F_1$  Дўстлик х “Узмаш”,  $F_1$  Термаш х “Дўстлик” каби биринчи авлод дурагайлари ажратилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги; илмий ҳисоботларнинг

кафедра ва университет илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги; тажриба натижалари маълумотлари математик ва статистик таҳлил қилинганлиги, янги технологик ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, нав гувоҳномаси олинганлиги, диссертация ишининг асосий илмий натижалари асосида Олий Аттестация Комиссияси рўйхатига кирган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон шароитида келиб чиқиши турлича бўлган помидор нав намуналари, ҳамда СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станциясида яратилган селекцион материалларни ўрганиш натижасида етиштириш технологиясини такомиллаштириш, эртапишар, серхосил нав ва дурагайлар селекцияси учун қимматли бошланғич манба ажратилганлиги; қуруқ субтропик иқлим шароитида муҳитнинг роли ўрганилган, ҳамда эртапишар помидор селекциясида гетерозисдан фойдаланиш, адаптив қобиляти бўйича турли даражадаги генотипларни частиштириб олинган  $F_1$  дурагайларни адаптив қобиляти ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти помидорнинг эртапишар, серхосил, адаптив қобиляти юқори бўлган гетерозис нав ва дурагайларни етиштириш ва яратиш учун бошланғич манба яратилганлиги ва шу асосда помидорнинг 2 та нави ва 1 та  $F_1$  дурагайи яратилганлиги, Давлат реестрига киритилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Помидорнинг селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари бўйича олиб борилган изланишлари натижалари асосида:

хўжалик учун қимматли белгиларга эга бўлган помидорнинг эртапишар, серхосил “Шафак” ва “Севара” навлари яратилган, уларни етиштириш технологияси ишлаб чиқилган ва 2003 йилдан давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш далат камиссиясининг 01.04.2016 й. 53/4-132 сон маълумотномаси). Тадқиқотлар натижасида тур ичида частиштириш орқали ноёб дурагайлар яратилган ва генетик белгиларни ўзида мужассамлаширган оилалар ҳамда тизмалар ажратиб олинган ва етиштириш технологияси ишлаб чиқилган.

помидорнинг қимматли хўжалик белгиларга эга бўлган, серхосил ва эртапишар Шафак навини етиштириш ишланмаси Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги “Муборак-Ўктам” фермер хўжалигида 15,0 га, Термиз тумани “Termez Agro Seeds” МЧЖ га қарашли экин майдонида 23,0 га, Музработ тумани “Алишер агро” фермер хўжалигида 10,0 га, Қизирик тумани “Жолғашев Бехруз” фермер хўжалигида 10,0 га жами 58 га майдонга жорий этилган (қишлоқ хўжалиги вазирлигининг – 02/20-1261 – сон маълумотномаси). Бунинг натижасида “Шафак” навидан андоза навига нисбатан гектарига 9,3 центнер қўшимча ҳосил олинган, иктисодий самарадорлик гектарига ўртача 12 млн. сўмга ортган.

помидорнинг қимматли белгиларга эга бўлган, серхосил ва эртапишар “Севара” навини етиштириш ишланмаси Сурхондарё вилояти Шўрчи

туманидаги “Муборак-Ўктам” фермер хўжалигида 20,0 га, Термиз туманидаги “Termez Agro Seeds” МЧЖ га қарашли экин майдонида 20,0 га, Музработ туманидаги “Алишер агро” фермер хўжалигида 12,0 га, Қизирик туманидаги “Жолғашев Бехруз” фермер хўжалигида 15,0 га, жами 67 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг – 02/20-1261 – сон маълумотномаси). Бунинг натижасида “Севара” навидан андоза навиганисбатан гектарига 10,5 центнер кўшимча ҳосил олинган, иқтисодий самарадорлик гектарига ўртача 11 млн. сўмга ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография ва 1 та тавсиянома ҳамда 1 та услубий қўлланма чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Эртапишарлик ва адаптив қобилиятга йўналтирилган помидорни етиштириш технологияси ва селекцияси»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, помидор етиштиришнинг тарихи ва бугунги аҳволи, помидор селекцияси йўналишлари ва асосий босқичлари, эртапишар помидор нав ва дурагайлари етиштириш, селекцияси учун дастлабки манбалар, помидорда гетерозис ходисаси ва унинг адаптив селекцияда қўлланилиши, адаптив селекцияда экологик-географик омилларнинг роли юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларни ўтказиш объекти, услуби ва тупроқ-иқлим шароитининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари,

объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқотлар объекти ва услуби» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Эртапишар помидорнинг нав ва дурагайлари**ни мақбул етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва уларни селекциясини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида эртапишарликка йўналтирилган помидор селекцияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Эртапишарликка мўлжалланган помидорни нав ва дурагайлари

ни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган бўлимида помидорнинг эртапишарликка йўналтирилган селекцияси учун дастлабки манбалар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, энг қисқа «униб чиқиш-гуллаш» даврига

Лекция ВИР-173, “Alfa”, “Сибирский скороспелый” навлари эга бўлди, уларда ушбу даврнинг давомийлиги 41 – 44 кунни ташкил этди. Ушбу белги бўйича “Tidling Bush”, № 39, “Santa”, К-16-6, “Агата”, “Bodeg Cut” нав намуналари ҳам 49-50 кунлик давр билан ажралиб турди. Ушбу намуналарда биринчи гул новдда гуллаши стандарт навга нисбатан 9-10 кун илгари бошланди.

Энг қисқа «гуллаш-пишиш» даври билан Лекция ВИР-173, “Факел”, “Ляна”, “Ранний Узбекистана”, “Барнаульский консервный”, Грибовский 1180, “Дубрава”, “SubArctic”, “Гея”, Ранний 83 навлари ажралиб турди. Ушбу намуналарда мазкур давр давомийлиги 39 – 42 кунни ташкил этди

Тезпишар помидор навлари селекцияси учун биз ота-она шакллари билан бири сифатида Лекция ВИР-173, “Alfa”, “Сибирский скороспелый” навларини, иккинчи ота-она компоненти сифатида эса куйидаги навлардан бирини олишни тавсия этамиз: ВИР-173, “Факел”, “Ляна”, “Ранний Узбекистана”, “Барнаульский консервный”, Грунтовый Грибовский 1180, “Дубрава”, “Sub Arctic”, “Гея”, Ранний-83.

Энг юқори биологик тезпишарлик, яъни униб чиқишдан меванинг пишишигача бўлган энг қисқа давр ВИР-173, “Tidling Bush”, “Santa”, “Alfa” навларида қайд этилди, уларда ушбу давр давомийлиги 90-94 кун бўлди.

Баланд бўйли (90 см <h<150 см) намуналар сифатида Местный D-65, D-77, Местный (Перу), Kokin 260, F<sub>1</sub> “D-mails”, Местный 4, F<sub>1</sub> “Рублин”, “Atma”, DE-79, Red agate-144, “Bodeg Cut”, “Implus”, Heinz 1765, “Tidling Bush”, жами 15 та намуна ажратилди.

Ўрта бўйли (50 см <h<90см) намуналар сифатида Талалихин 186, “Баллада”, “Новичок”, “Люси”, “Зорень”, “Утро”, “Агата”, “Кременчугский”, “Дар Заволжья”, “Сибирский скороспелый”, “Унавский”, “Факел”, Ранний 83 ва бошқалар, жами 50 та намуна ажратилди.

Паст бўйли (30см<h<50см) намуналар сифатида “Будянский”, “Северянин”, “Волгоградский скороспелый”, “Ритм”, “Тепличный ранний”,

“Утро”, “Оля”, “Персей”, “Посвящение”, “Wega”, К-3, “Венец”, Белый налив 241, Местный (Китай), № 18, “Риф”, “Перст”, “Рубин”, “Brylant”, ВИР-100, “Барнаульский консервный”, “Santa”, ВИР-173, Sub Arctic 25 ва бошқалар, жами 33 та намуна ажралиб чиқди.

Помидорнинг коллекцион нав намуналарининг мева вазнига қараб жуда йирик мевали (150 г. < М) намуналар сифатида Местный D-65, F<sub>1</sub>Atlantic city, D-77, Местный (Перу), “Баллада”, жами 5 та намуна ажралди.

Йирик мевали (100 г.<М < 150 г.) – “Субхидам”, “Новичок”, “Северянин”, Местный-4, F<sub>1</sub>Dmailz, “Тошкент” тонги, D-76 Kokin 260, “Будянский”, Узбекистан 178, Hotestead 500, жами 10 та намуна ажратилди.

Ўртача мевали (60г.<М <100 г.) - Утро-2, “Зорень”, “Венец”, Ранний 83, Волгоградский скороспелый 323, “Elan”, “Ритм”, “Факел”, “Персей”, “Тея”, “Арго”, “Ранний Узбекистана”, Белый налив 241 ва бошқалар, жами 46 та намуна ажралиб чиқди.

Майда мевали (40 г. < М < 60 г.) намуналар сифатида “Лагидный”, “Pladon”, “Ляна”, “Риф”, “Фонарик”, “Воин”, “Naroli”, Грунтовый Грибовский 1180, Л-923-92, “Трот”, “Перст”, “Рубин” ва бошқалар, жами 24 та намуна ажратилди.

Жуда майда мевали (М < 40 г.) – “Alfa”, “Патрис”, ВИР-100, Лекция ВИР-173, “Барнаульский консервный”, SubArctic 25 ва бошқалар, жами 13 та намуна қайд этилди.

Униб чиқишдан биринчи мевасининг пишишигача бўлган даври қисқа, яъни вегетация даври 90-94 кун бўлган биологик эртапишарлик ВИР-173, “Tidling Bush”, “Santa”, “Alfa” навларида кузатилди.

Умумий ҳосили бўйича “Elan”, “Pladon”, “Северянин”, “Сибирский скороспелый”, “Субхидам”, DE – 79, F<sub>1</sub> Рублин, F<sub>1</sub> Dmailz (ҳосилдорлиги 70,7-84,9 т/га) навлари ажратилди.

Энг юқори эртаги ҳосил “Elan”, “Pladon”, “Рубин”, “Северянин”, “Cherry Elite hybride”, “Барнаульский консервный”, “Ляна”, “Сибирский скороспелый”, “Агата”, “Atma”, “Bodeg Cut” (27,5 – 45,4 т/га) навларида қайд этилди. (1-жадвалга қаранг).


Штамбсимон 12 та нав намунасини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти Ўзбекистон шароитларида тезпишар навлар учун зарур бўлган ижобий белгилар мажмуига эга бўлмади.

Ҳосилдорлик маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, навлар ўртасида маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича катта фарқ кузатилди. Навга боғлиқ равишда умумий ҳосилдорлик 16,4 дан 55,5 т/га гача ўзгарди. Ўрганилган 12 та намунадан 10 тасининг умумий ҳосили стандартдан паст бўлди. Фақатгина № 86 ва “Челнок” намуналарида ушбу кўрсаткич стандартга нисбатан 7,7 ва 12,3 % юқори бўлди (1-расм).

«Қимматли хўжалик белгиларнинг мавсумий ўзгарувчанлиги билан помидор етиштиришнинг ўзаро боғлиқлиги» деб номланган бўлимида помидор дурагайлари ва селекцион материалларда белгиларнинг мавсумий ўзгарувчанлиги ўрганилган ва улардан селекцияда фойдаланиш тамойиллари тавсифланган.

Помидорнинг оддий тури коллекцион нав намуналарининг хўжалик-биологик тавсифи, 1996-1999 йй.

Нав, тизма ва дурагайнинг номи	Умумий ҳосилдорлик, т/га $X \pm S_x$	Эртаги ҳосил, т/га, $X \pm S_x$	Тезпи- шарлик индекси, %	Бир вакtda пишиши, %
Талалихин 186 – назорат	49,4 ± 1,3	26,9 ± 0,8	100,0	54
Elan	76,6 ± 1,6	45,4 ± 1,0	168,7	59
№ 39	55,3 ± 1,4	41,9 ± 0,6	155,7	76
Atma	45,0 ± 1,2	38,9 ± 0,5	144,6	86
Сибирский скороспелый	71,5 ± 1,8	38,4 ± 1,0	142,7	54
Агата	51,6 ± 1,7	37,9 ± 0,7	140,8	73
Pladon	78,1 ± 1,5	36,9 ± 0,4	137,2	47
F <sub>1</sub> Dmailz	70,7 ± 1,5	35,0 ± 0,6	130,1	49
Bodeg Cut	57,3 ± 1,3	35,0 ± 0,6	130,1	61
№7	47,9 ± 1,6	34,0 ± 0,8	126,3	71
Северянин	71,1 ± 1,9	33,8 ± 1,1	125,6	56
Рубин	58,3 ± 1,4	32,8 ± 0,8	121,9	56
Cherry Elite hybr.	61,1 ± 1,5	31,4 ± 0,5	116,7	51
F <sub>1</sub> Рублин	83,9 ± 1,9	31,3 ± 1,2	116,3	37
Alfa	37,1 ± 1,0	29,4 ± 0,5	109,2	79
К-16-6	43,3 ± 1,3	28,3 ± 0,6	105,2	65
Барнаулский консервный	60,7 ± 1,7	27,9 ± 0,8	103,7	45
Субхидам	77,4 ± 1,8	27,9 ± 0,9	103,7	36
Ляна	61,2 ± 1,3	27,5 ± 0,5	102,2	45
ДЕ-79	70,4 ± 1,5	27,4 ± 0,6	102,0	39
ЭКФ <sub>05</sub>	2,1	1,9		



1-расм. Помидорнинг штамбсимон нав намуналарининг хўжалик-биологик тавсифи, 1996 – 1999 йй.

Ўрганилган қимматли хўжалик белгиларни ўзгарувчанлигига қараб

куйидаги уч гуруҳга ажратилди:

кам ўзгарувчан белгилар ( $v < 10\%$ ): униб чиқишдан меванинг пишишигача бўлган давр;

ўртача ўзгарувчан белгилар ( $10 < v < 20\%$ ): мева вазни, ўсимлик бўйи;

юқори даражада ўзгарувчан белгилар ( $v > 20\%$ ): бир ўсимликдаги мевалар сони ва вазни.

Олинган маълумотлар генотип ва муҳитнинг ўзаро таъсирида белгиларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Вариация коэффиценти катталигини белгининг ўзгарувчанлик амплитудаси билан тенг деб ҳисоблаш мумкин, негаки у тебранишнинг нисбий даражаси қийматини энг тўлиқ акс эттиради. Маълум белги бўйича популяция қанчалик бир текис бўлса, вариация коэффицентининг абсолют қиймати шунчалик кичик бўлади.

Кам ва ўртача ўзгарувчан гуруҳга мансуб белгилар бўйича танлаш энг самаралидир. Ҳисобланишича, ташқи муҳит омиллари таъсирида кучсиз модификацияланувчи, яъни ташқи муҳит омилларининг ҳатто кенг ўзгарувчан диапазонда ҳам вариация коэффиценти кичик бўлган ( $V < 10\%$ ) белгилар бўйича танлаш энг самаралидир.


«Помидорни истиқболли эртапишар навларини морфобиологияси ва хўжалик белгилари бўйича дастлабки синовлардан ўтказиш» деб номланган бўлимида селекцион тадқиқотларда ажратиб олинган нав ва тизмаларнинг танлов ва дастлабки синовлари натижалари келтирилган.

ВНИИССОКнинг итузумгулли экинлар селекцияси лабораторияси ва СПЭваКИТИнинг Сурхондарё илмий тажриба станцияси селекционерларининг ҳамкорликдаги иши натижасида яратилган помидорнинг янги тезпишар Л-5-95 ва Л-44-95 тизмаларининг танлов синови ўтказилган.

Икки йиллик тадқиқотларнинг кўрсатишича, юқори умумий ва эртаги ҳосил ҳамда унинг товарбоплиги билан Л-44-95 тизмаси ажралиб турди. Л-5-95 тизмаси умумий ҳосилдорлиги бўйича стандарт даражасида, аммо ҳосилнинг товарбоплиги бўйича ундан устун бўлди. Тадқиқот натижасида хулоса қилиндики, Л-44-95 ва Л-5-95 тизмалари мева сифати, умумий ва эртаги ҳосили бўйича стандарт Талалихин 186 навидан устун бўлиб, Ўзбекистон шароитлари учун истиқболли деб топилган (2-расм).


ВНИИССОК селекционерлари билан ҳамкорликда чиқарилган Л-44-95 тизмаси “Севара” ва Л-5-95 тизмаси “Шафак” номи билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш бўйича Давлат комиссиясига топширилган ва янги навлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган.

2014-2015 йилларда помидорни янги истиқболли тезпишар Л-1-99, Л-2-99, Л-3-99, Л-4-99 ва Л-5-99 тизмаларининг дастлабки синови ўтказилди. Кузатувларнинг кўрсатишича, мевасининг биокимёвий таркиби бўйича Л-3-99, Л-1-99, Л-2-99 ҳамда Л-4-99, Л-5-99, энг яхши таъм сифатлари бўйича Л-3-99, Л-4-99, Л-1-99, Л-4-99, Л-5-99 нав намуналари истиқболли ҳисобланади.



2-расм. Танлов синовида помидорни тезпишар нав намуналарининг ҳосили ва уларнинг тезпишарлиги, 1999-2001 йй.

Тадқиқотлар натижасида Л-1-99, Л-2-99, Л-3-99, Л-4-99 тизмаларининг стандарт нав – Талалихин 186 га нисбатан тезпишарлиги, мева шаклининг думалоклиги, рангининг чиройли қизиллиги ва умумий ҳамда эртаги ҳосилдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туриши аниқланган (3-расм).



3-расм. Дастлабки синовдан ўтказилган тизмаларнинг умумий ва эртаги ҳосили, 2002 – 2004 йй.

Ўрганилган помидор коллекциясидан тезпишарликка мойилдор бўлган куйидаги тизмалар: Л-1-99, Л-2-99, Л-3-99, Л-4-99 ва Л-5-99 селекция жараёни учун истиқболли деб топилган.

«Помидорнинг эртапишар нав ва дурагайлари мевасининг биокимёвий таркиби» деб номланган бўлимида селекцион тадқиқотларда ажратиб олинган нав ва тизмалар мевасининг биокимёвий таркибини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, куруқ моддаларнинг энг юқори миқдори Л-3-99, Л-4-99 ва Л-44-95 тизмаларида

қайд этилди (5,5-5,6 %, стандартда эса 5,4 %). Қанд миқдори Л-3-99 ва Л-44-95 тизмаларида айниқса юқори бўлиб, 3,96-4,05 % ни ташкил этди (стандартда 3,59 %). Юқори миқдордаги қанд Л-5-95 (3,72 %), Л-1-99 (3,69), Л-2-99 (3,67 %) тизмаларида ҳам кузатилди. Уларда куруқ моддага нисбатан қанднинг улуши етарлича юқори бўлди. Ушбу кўрсаткич бўйича барча намуналар (мустанно Л-5-99) стандартдан устун бўлди.

Помидор меваларида аскорбин кислотаси миқдори навга боғлиқ равишда сезиларли ўзгаради. Ушбу кўрсаткич бўйича энг яхши кўрсаткич Л-2-99, Л-3-99, Л-5-95 Л-44 намуналарида қайд этилди. Уларда аскорбинкислотаси миқдори 32,0-36,7 мг/ % ни (стандартда 30,1 мг/ %) ташкил этди.

Янги меваларнинг дегустация баҳоси шуни кўрсатдики, энг яхши таъм сифатлари Л-3-99, Л-44-95 Л-1-99, Л-4- 99, Л-5-95 нав намуналарида қайд этилди. Уларнинг таъми 4,5-5,0 балл (стандартда 4,0 балл) билан баҳоланди.

Диссертациянинг **“Эртапишар помидор селекциясида гетерозисдан фойдаланиш”** деб номланган тўртинчи бобида эртапишарликка йўналтирилган помидор селекциясида гетерозисдан фойдаланиш ва  $F_1$  дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганилган.

Ушбу бобнинг **“Помидорнинг  $F_1$  дурагайларида биологик эртапишарликнинг наслдан-наслга берилиши”** деб номланган бўлимида тадқиқотлар натижасида истиқболли деб топилган эртапишарлиги ва морфобиологик белгилари бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган навларни ўзаро частиштириб олинган 16 та  $F_1$  дурагайларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “униб чиқиш-ёппасига гуллаш” даврининг давомийлиги биринчи авлод дурагайларида манфий юқори доминантдан мусбат доминант даражасигача бўлди.

Доминантлик даражаси частиштиришда иштирок этаётган компонентларга боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Юқори даражадаги манфий доминантлик даражаси “Дар Заволжъя” х ВИР-100 дурагайида кузатилди.

Оралик доминантлик даражаси  $F_1$  Ион-Н х “Арго” дурагайида кузатилди. Бу ерда частиштириш учун олинган компонентлар “униб чиқиш – ёппасига гуллаш” даврининг давомийлиги билан бир-биридан кескин фарқ қилади.

“Гуллаш – меваларнинг пиша бошлаши” даврининг ирсийланиши мусбат доминантдан манфий юқори доминант даражагача бўлди.

Ушбу давр давомийлигининг мусбат доминант даражаси  $F_1$  Ион-Н х ВИР-100, Ион-Н х “Арго”, ВИР-100 х “Дар Заволжъя”, ВИР-100 х “Персей”, “Новичок” х “Персей”, Утро-2 х “Дар Заволжъя” комбинацияларида, манфий юқори доминант даражаси эса “Ляна” х Ион-Н, Грунтовый Грибовский 1180 х “Ляна”, “Дар Заволжъя” х “Слава Молдовы”, “Ляна” х “Персей”, “Дар Заволжъя” х “Новичок”, “Новичок” х “Слава Молдовы” дурагайларида кузатилди.

Ўсув даврининг, яъни “униб чиқиш – меваларнинг пиша бошлаши” даврининг давомийлиги биринчи авлод дурагайларида манфий юқори доминантдан мусбат юқори доминант даражагача бўлди. Ушбу давр давомийлиги илмий адабиётларда биологик эртапишарлик деб ҳам

белгиланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўрганилган биринчи авлод дурагайларининг 50%и биологик эртапишар ҳисобланади.

Бу, асосан, чатиштириш компонентларидан бири жуда эртапишар бўлган комбинацияларда кузатилди.

Алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим бўлган дурагай комбинациялар куйидагилардир: “Ляна” х Ион-Н (93 кун), Ион-Н х ВИР-100 (94 кун), “Дар Заволжъя” х ВИР-100 (95 кун), Грунтовый Грибовский 1180 х “Ляна” (96 кун).

Ушбу бобнинг “Помидорнинг эртапишар F<sub>1</sub> дурагайларини яратишда гетерозис ходисасидан фойдаланиш” деб номланган бўлимида помидор эртапишар дурагайлари селекциясида гетерозис ходисасидан фойдаланиш ва жуда эртапишар дурагайлар яратиш мақсадида 16 та F<sub>1</sub> дурагайлари иштирокида ўтказилган тажриба натижалари баён қилинган.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, “Новичок” х “Персей”, Ион-Н х “Персей”, ВИР-100 х “Персей”, “Ляна” х “Персей”, “Дар Заволжъя” х “Слава Молдовы”, “Новичок” х “Слава Молдовы” дурагайларида ҳосилдорлик бўйича гетерозис самараси анча юқори бўлди. Юқорида келтирилган дурагайлар энг махсулдор ота ёки она шаклга нисбатан 21,6-33,6 т/га кўп ҳосил берди. Гетерозис самараси эса 139,6-164,0% ни ташкил этди.

Ўрганилган 16 та биринчи авлод дурагайларининг 11 таси, яъни 68,0% ида умумий ҳосил энг яхши ота ёки она формадан анча юқори бўлди. Шу билан бир қаторда “Дар Заволжъя” х “Новичок”, “Ляна” х Ион-Н, “Дар Заволжъя” х ВИР-100, Утро-2 х “Дар Заволжъя”, дурагайларида ҳосилдорлик энг махсулдор ота ёки она шаклга нисбатан анча паст бўлди. Уларда умумий ҳосилдорлик энг яхши ота ёки она шаклга нисбатан 2,2-10,7 т/га кам бўлди. Бундай дурагайлар сони 4 та бўлиб, бу умумий дурагайлар сонига нисбатан 25,0% ни ташкил этади. ВИР-100 х дар “Заволжъя” дурагайида ҳосилдорлик энг яхши чатиштириш компоненти “Дар Заволжъя” нави билан тенг бўлиб, бу ерда гетерозис самараси кузатилмади.

“Помидорнинг F<sub>1</sub> дурагайларида қимматли хўжалик белгиларнинг доминантлик даражаси” деб номланган бўлимида ўрганилган 16 та F<sub>1</sub> дурагайларда умумий, эртачи ҳосилдорлик ва меваларнинг бир пайтда пишиши каби муҳим хўжалик қимматли белгиларнинг доминантлик даражасини таҳлили баён қилинган.

Меваларнинг бир пайтда пишиб етилиши белгиси бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлган 5 та F<sub>1</sub> дурагайларда ушбу белгининг доминантлик даражаси жуда ўзгарувчан эканлигини кўрсатди. Хусусан, Ион-Н х ВИР-100 комбинациясида юқори доминантлик даражасида кузатилган бўлса, Дар Заволжъя х ВИР-100 комбинациясида доминантлик даражаси аниқланди. Шунга қарамадан, мевалари бир пайтда пишадиган F<sub>1</sub> дурагайлар олиш учун ота-она сифатида Ион-Н ва ВИР-100 навларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умумий ҳосилдорлик бўйича F<sub>1</sub> дурагайларда доминантлик даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, умумий ҳосилдорлиги энг юқори бўлган комбинацияларда доминантлик даражаси жуда ўзгарувчан бўлди. Хусусан, ҳосилдорлиги 86,1 т/га бўлган “Новичок” х “Персей” комбинациясида ушбу

белги манфий юқори доминант бўлган бўлса, умумий ҳосилдорлиги 90,8 т/га бўлган “Дар Заволжъя”, “Слава Молдовы” комбинациясида мусбат юқори доминантлик кузатилди.

Юқори ҳосилдор  $F_1$  дурагайлар олишда “Персей”, “Ляна”, “Дар Заволжъя”, “Новичок” каби навлардан чатиштириш компонентларидан бири сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Эртапишарликка йўналтирилган помидор селекциясида муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган эртачи ҳосилдорлик бўйича “Дар Заволжъя” х ВИР-100 комбинацияларида манфий доминантлик даражаси кузатилди.

Ўрганилган дурагайлардан бештасида: Грунтовый Грибовский 1180 х “Ляна”, “Ляна” х “Персей”, ВИР-100 х “Дар Заволжъя”, Грунтовый Грибовский 1180 х Утро-2, Утро-2 х “Дар Заволжъя” комбинацияларида эртаги ҳосилдорлик бўйича оралик доминантлик даражаси кузатилди.

Мусбат доминантлик даражаси ВИР-100 х “Персей”, Ион-Н х ВИР-100 комбинацияларида кузатилди ва у 0,8 дан 1,0 гача бўлганлиги аниқланди.

Энг юқори мусбат доминантлик даражаси Ляна х Ион-Н, Ион-Н х Персей  $F_1$  дурагайларида кузатилди ва у 4,5 – 12,8 ни ташкил этди.

Энг юқори эртачи ҳосилдорлик (25,8 – 34,2 т/га) “Новичок” х “Персей”, Ион-Н х “Персей”, “Дар Заволжъя” х “Слава Молдовы”, “Ляна” х Ион-Н, ВИР-100 х “Персей”, Грунтовый Грибовский 1180 х “Ляна” комбинацияларида кузатилди. Шундан келиб чиқиб, “Персей”, Ион-Н, “Ляна”, ВИР-100 каби навлар эртачи юқори ҳосилдор  $F_1$  дурагайлар олишда чатиштириш компонентларидан бири сифатида тавсия қилиниши мумкин.

**“Эртапишар помидор нав намуналарини танлаш ва етиштириш учун муҳит сифатида Ўзбекистоннинг жанубий шароитини баҳолаш”** деб номланган бешинчи бобда жанубий Ўзбекистон шароитини эртапишар нав намуналарини танлаб олиш учун фон сифатида баҳолаш ва ундан эртапишарлик ва адаптив қобилиятга йўналтирилган селекцияда фойдаланиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

“Адаптив қобилиятга йўналтирилган помидорни нав намуналарини экиш муддатлари ва схемасини ўрганиш” бўлимида 10 та истиқболли нав намуналарини икки муддатда ўрганиш асосида муҳит баҳоланган ва селекция ишлари учун тавсиялар берилган. Биринчи (эртаги) муддатда помидор уруғлари иссиқ кўчатхоналарга 15 – 20 январда экилди. Кўчатлар тоннел типигаги плёнкали ҳимояланган жойларга 15 – 20 мартда ўтказилди. Иккинчи (одатдаги), яъни минтақа учун умумқабул қилинган муддатда, уруғлар иситилмайдиган кўчатхоналарга 15 – 20 февралда экилди, кўчатлар 10-15 апрелда очик далага ўтказилди. Экиш муддатлари мисолида ташкил этилган муҳитнинг турли белгиларга таъсири турлича бўлган.

Ҳар хил муддатларда экиш ўрганилган намуналарнинг ҳосилдорлигига кучли таъсир кўрсатди. Барча намуналар учун энг юқори ҳосил биринчи муддат экишда олинди.

Муҳитнинг маҳсулдорлиги 2013 йил 1-муддатда жуда юқори, 2015 йил 1-муддатда нисбатан юқори бўлди (2-жадвалга қаранг).

Муҳитнинг типиклиги 2014 ва 2015 йилларда ҳар иккала муддатда ҳам юқори бўлди. Муҳитнинг табақаловчи хусусияти битта ўсимликдан олинган

мева вазни ҳамма йилларда ва экиш муддатларида юқори бўлган. Бу эса гетероген популяциядан танлаш ишлари самарали бўлишини таъминлайди. Худди шундай ҳолат “меванинг ўртача вазни” белгиси бўйича ҳам кузатилди.

2-жадвал

Бир ўсимликнинг мева вазни бўйича помидорни танлаш учун фон сифатида муҳит параметрлари (экиш муддати), кг (2013 – 2015 йй.).

Экиш йили	Экиш муддати	Экиш схемаси, см	Озикланиш майдони, м <sup>2</sup>	X <sub>к</sub> , кг	d <sub>к</sub>	t <sub>к</sub>	S <sub>ек</sub>	Фон	P <sub>к</sub>
2013	I	70x30	0,21	2,62	0,87	0,49	21,65	т	0,32
	II	70x30	0,21	1,17	-0,58	0,43	29,07	т	0,12
2014	I	70x30	0,21	1,66	-0,09	0,75	23,62	т	0,15
	II	70x30	0,21	1,59	-0,16	0,60	25,58	т	0,17
2015	I	70x30	0,21	1,91	0,16	0,97	26,40	т	0,25
	II	70x30	0,21	1,58	-0,17	0,84	19,75	б	0,10

Эслатма: т – таҳлил қилинувчи фон, б – барқарорлаштирилувчи фон.

Битта ўсимликдан олинган мевалар сони ва вазни, ўсимлик бўйи белгилари бўйича муҳитнинг типиклиги юқори бўлди. “Униб чиқиш – гуллаш даври” белгиси бўйича энг юқори типиклик 2013 йил I-экиш муддатида, “меванинг ўртача вазни” бўйича эса 2015 йил I ва II экиш муддатлари муҳити типиклиги юқори бўлди.

Ушбу бобнинг “Помидорнинг истиқболли эртапишар навларининг етиштириш технологияси билан адаптив қобилятини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш” бўлимида турли экиш муддатларидан фойдаланган ҳолда ҳосилдорлик бўйича помидорнинг ўнта нав ва тизмаларини адаптивлик хусусиятлари параметрлари келтирилган.

Бизнинг фикримизча ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи (X<sub>i</sub>) бўйича уч йилда генотипларнинг аниқ табақаланиши юзага келди (3-жадвалга қаранг).

Юқори маҳсулдорлиги бўйича “Кременчугский”, “Ляна”, Л-922-92, Zao-fen N2 намуналари ажралиб турди. Маҳсулдорликнинг ўртача даражаси билан “Персей”, “Ритм”, Талалихин 186, паст даражаси билан Л-923-92, “Арго2, Ион-Н навлари ажралиб турди. Юқори маҳсулдор навларда юқори умумий адаптив қобилят ҳам кузатилди. Юқори ўзига хос адаптив қобилят эса кам маҳсулдор “Арго”, ўртача маҳсулдор “Персей”, Талалихин 186 навларида кузатилди.

Шароитнинг яхшиланишига талабчанлик (b<sub>i</sub>) “Персей”, “Ляна”, Талалихин 186, “Арго” навларида кузатилди. Мос ҳолда ушбу навлар ҳосилдорликнинг барқарор эмаслиги билан ажралиб турди.

Генотипнинг селекцион қимматлиги - ҳосилдорлик ва унинг барқарорлигини ўзида мужассамлаштирган “Кременчугский”, “Ляна”, Zao-fen N2 навлари ажратилди. Ушбу белги бўйича ўртача даражали навларга Л-923-92, Л-922-92, Ритм киритилди. Селекция учун ана шу навлар қимматли бошланғич манба бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар ҳосилдорлик ва унинг барқарорлиги бир-бирига боғлиқ эмаслигини кўрсатди.

Маҳсулдорлиги бўйича тезпишар помидор навларининг адаптивлик хусусияти ва барқарорлиги параметрлари, 2013-2015 йй.

Нав ва тизма номи	$X_i$	$OAC_i$	$G^2CAC_i$	$S_{gi}$	$b_i$	$СЦГ_i$
Кременчугский	2,0	0,25	0,27	25,9	1,05	1,22
Персей	1,7	0	0,54	41,8	1,22	0,65
Ляна	2,1	0,36	0,39	29,5	1,25	1,18
Л-923-92	1,4	-0,30	0,12	23,8	0,59	0,93
Л-922-92	2,1	0,30	0,41	31,4	0,85	1,08
Ион-Н	1,3	-0,49	0,18	33,4	0,57	0,63
Ритм	1,8	-0,03	0,28	29,8	0,64	0,99
Талалихин 186	1,7	-0,05	0,46	40,1	1,37	0,68
Zao-fen № 2	2,0	0,21	0,29	27,2	1,07	1,16
Арго	1,5	-0,29	0,53	49,7	1,38	0,37

“Помидор  $F_1$  дурагайларида адптив қобилятнинг намоён бўлиши” бўлимида 30 та  $F_1$  дурагайларида хўжалик муҳим белгиларнинг ва адаптив қобилятнинг намоён бўлишини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ҳосилдорлиги ва умумий адаптив қобиляти юқори бўлган индетерминант; Сурхон 142 х “Намуна”, “Намуна” х Сурхон 142, Сурхон 142 х 773/80 CN, 344/83 ТmCFN х Сурхон 142 (90,3-126,1 т/га) ва детерминант; “Намуна” х 773/80 CN, “Намуна” х 344/83 ТmCFN (91,6-97,7 т/га)  $F_1$  дурагайлари ажратилди.

